

## ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИДА ЮРИДИК ТАЪМИНЛАШ БЎЛИНМАЛАРИ ТИЗИМИ, ВАЗИФАЛАРИ ВА ФАОЛИЯТ ЙЎНАЛИШЛАРИ

*Ichki ishlar Vazirligi Akademiyasi kursanti  
Abdumuxtorov Dilmurod Elmurod o'g'li*

**Кириш.** Республикамизда халқ манфаатларига хизмат кўрсатувчи давлат органларининг фаолиятини тубдан такомиллаштириш, аҳолининг давлат органлари ва уларнинг ходимларига ишончини орттириш, мамлакат ривожини учун амалга оширилаётган ҳар бир ислохотнинг самарасини оширишга эришиш, ривожланган давлатлар қаторида юридик хизматларнинг роли ва жавобгарлигини янада ошириш ва юридик хизматлардан фойдаланиш жараёнини тубдан такомиллаштириш ишларига алоҳида эътибор берилмоқда. Шунингдек, Мамлакатимизда ички ишлар органлари тизимини такомиллаштириш, уларнинг қўйи бўғинларини аҳолига янада яқинлаштирган ҳолда мустаҳкамлаш, барча даражадаги тузилмаларнинг вазифалари ва функцияларини аниқ белгилаш, замонавий хавф-хатарларни ҳисобга олган ҳолда куч ва воситаларни оқилона тақсимлашга қаратилган кенг қамровли ишлар амалга оширилмоқда.

**Асосий қисм.** Мамлакатимиз миқёсида халқ манфаатларига хизмат кўрсатувчи давлат органларининг фаолиятини тубдан такомиллаштириш ва қонунийлик принципига таянган ҳолда, қонунийликни янада мустаҳкамлаш, демократик ва ҳуқуқий ислохотларни амалга оширишда юридик хизматларнинг роли ва жавобгарлигини изчиллик билан кучайтириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Юридик хизмат фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2017 йил 19 январдаги ПҚ–2733-сон қарори қабул қилинди.

Мазкур қарорга асосан қуйидагилар давлат органлари ва ташкилотлари юридик хизматлари фаолиятининг асосий йўналишлари этиб белгиланди:

давлат органлари ва ташкилотларининг ҳуқуқни қўллаш фаолиятида қонун устуворлиги ва қонунийликни таъминлашни ташкил этиш;

давлат органлари ва ташкилотлари томонидан ишлаб чиқилаётган (қабул қилинаётган) норматив-ҳуқуқий ва бошқа ҳужжатлар лойиҳаларининг қонунчиликка мувофиқлиги устидан назоратни олиб бориш;

давлат органлари ва ташкилотларининг норма ижодкорлиги фаолиятида иштирок этиш, қонунчиликни такомиллаштириш юзасидан таклифларни

тайёрлаш масалаларида уларнинг таркибий тузилмалари ишини мувофиқлаштириш;

давлат органлари ва ташкилотлари ходимларининг ҳуқуқий маданияти ва ҳуқуқий саводхонлигини ошириш, уларга қабул қилинаётган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг мазмун-моҳиятини, шу жумладан замонавий ахборот-коммуникация технологиялари орқали етказишда иштирок этиш;

шартномавий-ҳуқуқий ва талабнома-даъво ишларини юритиш, давлат органлари ва ташкилотларининг мулкӣ ва бошқа манфаатларини ишончли ҳимоя қилинишини таъминлаш.

Шунингдек, Ички ишлар органлари фаолиятига самарали бошқарув, назорат ва шахсий таркиб билан ишлаш тизимини жорий этиш мақсадида, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ички ишлар органлари бошқарув, назорат ва шахсий таркиб билан ишлашнинг самарали тизимини жорий этиш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида” 2018 йил 23 августдаги ПҚ–3919-сон қарори қабул қилинди.

Мазкур қарорга асосан, Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Ташкилий-инспекторлик ва ахборот-таҳлил бош бошқармаси, Юридик таъминлаш бошқармаси, Жисмоний, юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш ва иш юритиш бошқармаси негизида Ички ишлар вазирлигининг Ташкилий департаменти ташкил этилди. Мазкур қарор ижросини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирининг “Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Ташкилий департаменти фаолиятини ташкил этиш тўғрисида” 2018 йил 7 сентябрдаги 244-сон буйруғи қабул қилиниб, Ички ишлар вазирлиги Ташкилий департаментининг ички ишлар органлари фаолиятини юридик таъминлаш соҳасидаги функциялари белгилаб берилган.

Ички ишлар органлари юридик таъминлаш бўлинмалари фаолиятининг асосий йўналишлари сифатида қуйидагилар белгиланган:

ҳудудий ички ишлар органлари идоравий ҳужжатлари ва шартнома лойиҳаларини қонун ҳужжатларига, қонунчилик техникаси қоидаларига, шунингдек ҳавола қилувчи нормалар қўлланилиши асосланганлиги ҳамда мақсадга мувофиқлиги бўйича ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш;

ҳудудий ички ишлар органлари идоравий ҳужжатлари лойиҳаларининг коррупцияга қарши экспертизасининг амалга оширилишини ташкил этиш, идоравий ҳуқуқий ҳужжатлар тайёрлаш фаолиятини мувофиқлаштириш ва ушбу йўналишда уларга услубий ёрдам кўрсатиш;

ҳудудий ички ишлар органларида идоравий ҳужжат лойиҳаларини тайёрлаш ва қабул қилиш ишларининг аҳволини ўрганиш, норма ижодкорлиги фаолиятининг жорий ва истиқболли режалари ишлаб чиқилиши, амалга оширилиши ҳамда бажарилишини назорат қилишда иштирок этиш;

маҳаллий давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари ҳамда бошқа муассаса ва ташкилотлар томонидан тайёрланган ва ўрнатилган тартибда келишиш учун тақдим этилган идоравий ҳужжатлар лойиҳаларини ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш ва уларни қонунчилик техникаси талабларига мувофиқлиги тўғрисида хулоса бериш;

меҳнатга оид муносабатларни тартибга солувчи жамоа келишувлари, шунингдек жамоа шартномалари ва бошқа локал норматив ҳужжат лойиҳаларини ишлаб чиқишда иштирок этиш, заруратга қараб ушбу ҳужжат лойиҳаларини қонунчиликка мувофиқлиги тўғрисида хулоса бериш;

ички ишлар органларида ҳуқуқий сиёсатни амалга оширилишини таъминлаш, ҳуқуқни қўллаш амалиётини ва ҳуқуқий тарғибот бўйича фаолиятни ўрганиш;

ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтиришга доир ишларда иштирок этиш, шунингдек қонунийликни мустаҳкамлаш мақсадида ички ишлар органлари ходимлари ўртасида қонун ҳужжатларининг мазмун-моҳиятини тарғибот қилинишини ташкил этиш;

норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг туркумлаштирилган ҳисобини юритиш, уларга киритилаётган ўзгартириш, қўшимчаларни ўз вақтида киритиш ва ўз кучини йўқотганларини белгилаб бориш;

норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар фондини кодекслар, қонунлар ва уларнинг шарҳлари, ахборотномалар ва бошқа ҳуқуқий адабиётлар билан таъминлаш чораларини кўриш;

давлат органлари ва ташкилотлари, шунингдек фуқаролар билан шартномавий-ҳуқуқий ва талабнома-даъво ишлари бўйича низолар вужудга келганда, тааллуқлигига кўра соҳавий хизматлар билан биргаликда уларни судгача ҳал этиш чораларини кўриш;

шартномавий-ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган низолар юзасидан талабнома-даъво ишларини соҳавий хизматлар билан бирга олиб бориш;

соҳавий хизматлар томонидан тузилаётган шартномаларни қонунчиликка мувофиқлиги тўғрисида хулоса бериш ҳамда шартнома лойиҳаларига, агар эътироз ва таклифлар бўлмаса имзо ёки муҳр қўйиш орқали виза қўйиш;

соҳавий хизматлар томонидан шартномаларни тузиш, бажариш, ўзгартириш ёки бекор қилишнинг белгиланган тартибига риоя этилишини таъминлаш чораларини кўриш;

ички ишлар органлари манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича шартномавий-ҳуқуқий ва талабнома-даъво ишларини ташкил этиш ҳамда шартномавий-ҳуқуқий ва талабнома-даъво ишларини кўриб чиқишда тегишли соҳавий хизматлар билан биргаликда иштирок этиш;

шартномавий-ҳуқуқий ва талабнома-даъво ишларини ички ишлар органи фойдасига ҳал қилинишида фаол иштирок этган ходимларни низоли масала юзасидан ундирилган сумманинг 5 фоизи, бироқ энг кам ойлик иш ҳақининг 50 баробаридан кўп бўлмаган миқдорда мукофотлаш тўғрисида таклиф киритиш;

тегишли тузилмалар билан биргаликда ички ишлар органининг дебиторлик ва кредиторлик қарздорлигининг аҳволини ўрганиш, уларнинг миқдорини камайтириш бўйича соҳавий хизматларига ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш;

ички ишлар органининг мулкӣ ва бошқа манфаатларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш учун зарур бўлган ҳужжатларни тайёрлашда ҳамда белгиланган тартибда суд мажлисларида соҳавий хизматлари билан бирга иштирок этиш;

ички ишлар органларининг юридик йўналишдаги ишларни ташкилий-таҳлилий таъминлаш, шу жумладан давлат хизматлари кўрсатиш соҳасидаги фаолиятини мувофиқлаштириш;

ички ишлар органларининг ҳуқуқни қўллаш амалиётидаги мавжуд муаммоларни ўрганиш, таҳлил қилиш ва уларни бартараф этиш чоралари юзасидан Ташкилий департамент Юридик таъминлаш бошқармасига таклифлар киритиш;

туман (шаҳар) ички ишлар органларида ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтиришга, ички ишлар органлари фаолиятига оид янги қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва қарорлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, Ички ишлар вазирлигининг буйруқ ва қарорларининг мазмун-моҳиятини шахсий таркиб эътиборига етказилишига ҳамда Ўзбекистон Республикасининг қонунлари ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларининг туркумлаштирилган ҳисобини амалга оширишга доир ишлар ҳолатини ўрганади ва ушбу ишлар самарадорлигини ошириш юзасидан ҳудудий ички ишлар органлари раҳбариятига ҳамда Ташкилий департамент Юридик таъминлаш бошқармасига таклифлар киритади.

Ҳудудий ички ишлар органлари ташкилий бўлинмалари юридик хизматлари ходимлари зиммасига қонун ҳужжатларида назарда тутилмаган, шу жумладан, ташкилий бўлинмадаги бошқа таркибий тузилмаларнинг функциялари юклатилишига йўл қўйилмайди.

**Хулоса.** Хулоса қилиб айтганда, Ички ишлар органларида юридик таъминлаш бўлинмаларининг ходимлари ўз вазифаларидан келиб чиққан ҳолда ҳудудий ички ишлар органлари идоравий ҳужжатлари ва шартнома лойиҳаларини қонун ҳужжатларига, қонунчилик техникаси қоидаларига, шунингдек ҳавола қилувчи нормалар қўлланилиши асосланганлиги ҳамда мақсадга мувофиқлиги бўйича ҳуқуқий экспертизадан ўтказишади. Шунингдек, Ички ишлар органларида юридик таъминлаш бўлинмалари ҳудудий ички ишлар

органларида идоравий ҳужжат лойиҳаларини тайёрлаш ва қабул қилиш ишларининг аҳволини ўрганиш, норма ижодкорлиги фаолиятининг жорий ва истиқболли режалари ишлаб чиқилиши, амалга оширилиши ҳамда бажарилишини назорат қилишда иштирок этиши, маҳаллий давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари ҳамда бошқа муассаса ва ташкилотлар томонидан тайёрланган ва ўрнатилган тартибда келишиш учун тақдим этилган идоравий ҳужжатлар лойиҳаларини ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш ва уларни қонунчилик техникаси талабларига мувофиқлиги тўғрисида хулоса бериши, меҳнатга оид муносабатларни тартибга солувчи жамоа келишувлари, шунингдек жамоа шартномалари ва бошқа локал норматив ҳужжат лойиҳаларини ишлаб чиқишда иштирок этиш, заруратга қараб ушбу ҳужжат лойиҳаларини қонунчиликка мувофиқлиги тўғрисида хулоса бериши мумкин.

#### **FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR:**

1. Lex.uz (normativ hujjatlar bazasi)
2. www.google.com (butun jahon qidiruv tizimi)
3. ede.uz (milliy ta'lim internet portal)
4. <https://iiv.uz/> Vazirlik sohasidagi siyosiy yangiliklar
5. [https://www.norma.uz/oz/bizning\\_sharhlar/yuridik\\_hizmat](https://www.norma.uz/oz/bizning_sharhlar/yuridik_hizmat)
6. <https://uz.wikipedia.org/> (Qidiruv resurslar bazasi)